Ушбу сонда:

2 ИНСОН ИРОДАСИ
Очерк

3 «ФУҚАРОЛИК ИШЛАРИ»
судлари ташкил этилди

4 МАҲАЛЛАДА КАТТА ҲАШАР

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ

OZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI — FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2001 йил 23 феврал, жума №30 (1044)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

НАВРЎЗ НАФАСИ

Муқаддас юртимиз бўйлаб фасллар келинчаги баҳор ўз сепини ёйишига ҳам саноқли кунлар қолди. Истиқлолнинг ўнинчи баҳори ўзи билан Наврўзи оламни — янги кунни, ажойиб дамларни олиб келяпти. Бу қутлуғ кун биз учун нақадар қадрдон, ҳаётбахш, дилларимизга якинлигини сўз билан ифодалаш қийин.

Наврўз халқимизнинг энг қадимги, миллий, севимли байрамидир. Унинг шарофати ва хосияти шундаки, эҳтиром шоҳсупасини янада сарбаланд айлайди. Ўтмиш билан бугунни камалак янглиғ туташтиради.

Наврўз нафақат баҳор байрами, айни чоғда, у меҳнат, миллий ўйинлар, спорт ва ижодкорлик, одамийлик, меҳмондўстлик, эзгулик, меҳр-мурувват, санъат байрами ҳамдир. Ота-боболаримиз байрам кунларида турли удум ва маросимлар ўтказишган. Деҳқонлар ерга қўш солишган, жамоа-жамоа бўлиб ҳашарлар уюштиришган. Оммавий равишда мевали, манзарали дарахт кўчатлари ўтқазишган.

Бундай хайрли ишлар азал-азалдан боғлар макони бўлган Яккабоғда ҳам жадал суръатлар билан олиб борилмоқда. Туманнинг Яккабоғ деб юритилиши ҳам бежиз эмас. Нақл қилишларича, бир киши лалми жойга сув келтириб боғ яратган. Ана шу боғнинг меваси билан бой бўлган. Нафақат ўз оиласини, балки ён-атрофдаги қишлоқ ва маҳаллаларга ҳам ўзи етиштирган мевадан улашган экан. Йиллар ўтиши билан боғ яратган боғбон ёнига юзлаб аҳоли кўчиб келиб, боғдорчилик, кейинчалик чорвачилик ва деҳқончилик ишлари билан шуғулланишган.

Касабақўм ташаббускор бўлса

Ҳозирги кунда исми жисмига монанд Яккабоғда ўнлаб боғлар мавжуд. Тумандаги «Яккабоғ» боғдорчилик ширкат хўжалиги соҳа бўйича, айниқса, ном таратганлардан. Унинг ривожланиши ва тараққий этишига меҳнат фахрийси Зиядулла Бекназаров салмоқли ҳисса қўшган. Отахон 1995 йилга қадар боғларни кенгайтириш, аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш, қишлоқларни ободонлаштириш билан шуғулланди. Бу ерда қад ростлаган шинам чойхона, болалар боғчаси, гузар ва новвойхона ҳам у кишининг ташаббуси билан бунёд этилган.

Хўжалик фаолиятининг шаклланишида касаба уюшмасининг ўрнини алоҳида таъкидламоқ жоиз. Бир неча йилдирки, Санобар Раҳимова касаба уюшмаси ишига етакчилик қилиб келаётир. Жамоа аъзоларининг саломатликларини тиклаш учун санаторий ва курортларга юбориш, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам уюштириш, мактаб, боғчалар фаолиятини такомиллаштиришдек эзгу саъй-ҳаракатлар жамоа шартномасидан кенг ўрин олган.

Ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва соҳада ислоҳотларни жадаллаштириш ҳамда давр қўяётган талаблар асосида аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш борасида ҳам кейинги йилларда дадил қадамлар ташланди. Айниқса, Шуҳратжон Бекназаров раҳбарликка тайинлангач, ишлар тубдан ўзгарди. Қишлоқларни ободонлаштириш, аҳолини тоза ичимлик сув билан таъминлаш, боқувчисини йўқотган, кам таъминланган оилаларни моддий қўллаб-қувватлаш каби хайрли ишлар янада изга тушди.

Касабақўм ва хўжалик раҳбарининг ўзаро ҳамкорликда иш юритишлари самараси зое кетмади. Масалан, ҳозирги кунда бу ердаги барча қишлоқлар тўлиқ ободонлаштирилган. Айтайлик, жамоа шартномасида белгиланганидек, ишлаб топилган даромаднинг 20 фоизи шу каби эзгу ишларга сарфланмоқда. Хўжалик тасарруфидаги матбанинг икки нафар аълочи ўқувчисига стипендия ҳам ажратилди.

—Хўжалик ўтган йилда 40 миллион сўм соф фойда кўрди. Ана шу фойданинг 60 фоизини боғбонларга дивидент сифатида тарқатамиз. Бу аввалги йилларга нисбатан 2,5 баравар кўпдир.

Хўжалик касаба уюшмасининг жорий йил жамоа шартномасини бир-бир варақлаймиз. Унинг ҳар бир банди эзгулика йўғрилгани билан ажралиб турибди. Ана шу шартномага кўра амалдаги йилдан бошлаб хўжаликнинг ҳар бир гектар боғи касаба уюшмаси фаолларининг таклифи билан ишбилармонларга ижарага берилмоқда. Касабақўмнинг истиқболли режалари ҳам бир талай. Энг муҳими, уларнинг барчасида аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш масаласи бош мақсад қилиб қўйилганидир.

Хайрулла ТЎРАЕВ.

Учқўприк туманида ўзбек ва корейс тадбиркорлари ҳамкорлигида «УзХАН КО ЛТД» компанияси фаолият юритмоқда. Бу ерда юртимиздаги «ДЭУ текстайл», «Қобул текстайл» сингари замонавий корхоналарда ишлаб чиқарилаётган хомашёдан жаҳон андозаларига мос трикотаж маҳсулотлари тайёрланяпти. Ҳозир компанияда 100 нафарга яқин қишлоқ ёшлари илғор технологияни моҳирлик билан бошқаришмоқда.

Суратларда: илғор ишчи Жасура Ҳакимова; ўз касбининг устаси, Жиззах пластмасса очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти аъзоси Зокир Сойипов.

Ш.ОЛИМОВ ва Б.ТЎРАЕВ, (ЎзА) олган суратлар.

ЖУРНАЛИСТЛАР КЕНГАШИ

Наманганда Олий Мажлиснинг матбуот ва ахборот бўйича ишчи гуруҳи ташаббуси билан ташкил этилган журналистларнинг ҳудудий семинар-кенгаши бўлиб ўтди. Унда мамлакатимизда бўлаётган туб ўзгаришларда оммавий ахборот воситаларининг роли ва ўрни, оммавий ахборот воситалари ҳамда матбуот эркинлиги каби долзарб муаммолар муҳокама этилди. Семинарда газеталар муҳаррирлари, Андижон, Фарғона ва Наманган вилоятлари телерадиокомпаниялари раислари иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққанлар республикамизда журналистларнинг эркин фаолият юритиши учун мустаҳкам ҳуқуқий база яратилганини таъкидлашди. Матбуот ходимларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида, хусусан, ахборот олиш ҳуқуқига оид қатор қонунлар қабул қилинди. Шу билан биргаликда, журналистнинг газетхонларга қаратилган ҳар бир сўзи учун масъуллиги ҳам катта.

Шунингдек, семинарда шаҳар ва туманлар газеталари, радиоэшиттиришлари фаолиятини яхшилашга алоҳида эътибор қаратилди. Семинар-кенгашда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Матбуот ва ахборот қўмитаси раиси Ў.Ҳошимов сўзга чиқди.

(ЎзА).

Ибрат

ҲАР БИР КИШИ ЎНТАДАН КЎЧАТ ЎТҚАЗАДИ

Янги асрнинг дастлабки йилида хонободликлар ибратли ташаббус билан чиқдилар. Ҳар бир шаҳарлик ўн донадан кўчат ўтказишга аҳд қилди.

Насиб этса, шу баҳор ойларида хонободликлар салкам 350 минг туп мевали ва манзарали дарахт кўчатларини ўтказиб, уларнинг парваришини ўзлари назорат қиладилар.

Хонобод шаҳрининг барпо этилганига ҳам қарийб 28 йил тўлмоқда. Шу давр мобайнида шаҳарликлар Хонобод кўчалари, хиёбонлари, маданият ва истироҳат боғлари дам олиш масканларига 2 миллиондан кўпроқ мевали дарахтлар экишиб, кўкартириб олдилар. Бу саъй-ҳаракатларнинг натижаси сифатида Хонобод Фарғона водийсининг гўзал ва кўркам шаҳарларидан бирига айланди. Ҳозирга келиб шаҳарда нафақат Осиёда учрайдиган балки дунё миқёсида ноёб ҳисобланган дуб, кипарис, сибир қарағайи, оқ қайин, каштан, тяньшан арчаси, тоғ арчаси, япон дарахтлари ҳам кўкартирилмоқда.

Шаҳарда беш гектар майдонда кўчат етказиб берувчи хўжалик бўлиб, терак, мажнун тол, каштан, турли хил гуллар кўчатлари етиштирилмоқда.

Хонободликларнинг дам олиш зонаси ҳисобланган «Боғи баланд» адирликларидан ҳар йили 10-15 гектар янги ерлар ўзлаштирилиб, мевали боғлар барпо этиш анъанага айланиб бормоқда. Ҳозирги кунгача 40 гектар майдонда боғ барпо этилгандир.

ЯНГИ ШИФО МАСКАНИ

Навоий туманидаги «Зарафшон» ширкат хўжалиги марказида янги қишлоқ врачлик пункти фойдаланишга топширилди. Даволаш маскани қурилиши учун вилоят ҳокимлигининг капитал қурилиш бошқармаси томонидан 32,1 миллион сўм маблағ сарфланди. Жами 12,5 миллион сўмлик тиббий асбоб-ускуна ва жиҳозлар сотиб олинди.

Барча қулайликларга эга бўлган шифохонада кунига 50 нафар беморни қабул қилиш имкони бор.

Шартномавий муносабат: муаммо, мулоҳаза

...АНДИША

пудратчининг ҳуқуқ-манфаатига зиён етказмоқда

Қишлоқ хўжалигида ислоҳотлар изчил амалга оширилиши туфайли барча даражаларда иқтисодий-хўжалик муносабатлари шартномавий асосга кўчди. Эски услубдан воз кечилиб, эркин фаолият кўлами кенгайиб бораётир. Кўплаб фермерлар, пудратчилар эришаётган ижобий натижалар бунинг шарофатидир. Умуман, фуқароларнинг ўз ҳуқуқ ва бурчларини тўғри англаши ва унга қатъий риоя этиши ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг асоси ҳисобланади. Афсуски, баъзи мансабдорлар ва фуқаролардаги ҳуқуқий саводсизлик, одамлардаги ноўрин андиша жиддий муаммоларни келтириб чиқармоқда. Қуйида ана шулар ҳақда мулоҳаза юритилади.

Вилоят адлия бошқармаси амалдаги қонунларнинг бажарилишини таъминлаш бўйича қатор тадбирларни амалга ошираяпти. Шу мақсадда бир қанча туманларда контрактация шартномаларининг бажарилиши ўрганилди. Айниқса, деҳқон манфаатини ҳимоя қилиш нуқтаи назаридан пудрат шартномаларида белгиланган мажбуриятларнинг ижросига алоҳида эътибор берилди. Айрим ҳолларда шартнома шартларига мутлақо риоя этилмаслиги ташвишланарли ҳолдир. Нарпай туманидаги «Иттифоқ» ширкат хўжалигида шундай ҳолатга дуч келинди. Текширилганда 11 та оилавий пудратчилар 2000 йилда шартномада белгиланганидан 9,4 тонна зиёд буғдой етиштирган ва хўжаликка топширишган. Қонун ҳужжатлари ва шартномаларга мувофиқ кўзда тутилганидан ортиқ етиштирилган маҳсулотнинг 100 фоизи пудратчига натура шаклида берилиши ёки унинг қиймати бозор нархларида тўланаши керак. Бироқ хўжалик бошқаруви ушбу шартларни бажармай ҳозирга қадар топширилган маҳсулот учун пудратчиларга ҳақ тўламасдан келмоқда. Бундай ҳол Самарқанд туманидаги «Мароқанд», «Барака», Оқдарё туманидаги, «Оқдарё», «Гулистон», Пайариқ туманидаги «Чурош» хўжаликларида мавжудлиги аниқланди. Умуман, 140 дан ортиқ шундай ҳолат бўйича даъво кўзғатилиб, ҳужжатлар суд идораларига тақдим этилди. Натижада пудратчиларнинг қонуний ҳақлари ундириб берилди.

Гап мазкур ҳолатларнинг мавжудлиги ёки масаланинг ҳал қилинганлигида эмас. Мақсад муаммонинг илдизини топиш ва ғайриқонуний ҳаракатларга чек қўйишдир. Бозор иқтисодиётининг мазмуни, Президентимиз раҳнамолигида ҳукуматимиз қишлоқ хўжалигида амалга ошираётган ислоҳотларнинг моҳияти шундаки, ҳалол рақобат вужудга келиши, деҳқон ишига яраша манфаатдор бўлиши, меҳнатга ҳақ тўлашда ўзибўларчиликка барҳам берилиши лозим. Ишни шундай ташкил қилиш керакки, давлат ҳам, маҳсулот етиштирувчи ҳам фойда кўрсин. Афсуски, айрим ҳолларда баъзи хўжалик раҳбарлари адолат мезонини бузишмоқда. Масалан, Нарпай туманидаги «Иттифоқ» ширкат хўжалиги раҳбарларидан шартномавий режадан ортиқча маҳсулот нега натура шаклида пудратчига берилмагани сўралганда барча ғалла давлатга топширилганлигини маълум қилди...

Энди бундай ҳолатларнинг сабабини ошкора айтайлик. Биринчи сабаб пудратчиларнинг ўзлари ҳақларини талаб қилмаслигидир. Бу нима - андишами, ўз ҳуқуқларини билмасликми? Қизиғи шундаки, адлия бошқармаси ходимлари текшириш жараёнида ўзлаштирилган маҳсулот учун ҳақ олмаган кўплаб пудратчиларга даъво аризаси ёзишни таклиф қилишганда улар очиқ-ойдин рад этишди. **Ҳалол меҳнати эвазига тўланадиган ҳақни талаб қилишни рад этган кишини тушуниш қийин. Андиша, юз-хотирчиликнинг ҳам чегараси бўлиши керак-ку, ахир?!** Иккинчи сабаб хўжалик раҳбарларининг мансаб манфаатдорлигига бориб тақалади. Бу нималарда кўринади? Хўжалик етакчилари пудратчиларга уларнинг ҳуқуқларини синчиклаб тушунтиришмайди. Шартномалар асосан деҳқонга мажбурият юклатадиган даражада бир ёқлама тузилади. Яъни, масалан, шартномада кўзда тутилган миқдорда маҳсулот етиштира олмаса, пудратчи жарима тўлаши белгиланган. Лекин уруғлик, ўғит, техника, сув ва ҳоказо таъминотидаги узилишлар учун хўжаликнинг жавобгарлиги қайд этилмаган. Самарқанд туманидаги «Барака» ижара хўжалиги бошқаруви пудратчи С.Эргашева билан тузган шартноманинг бир банди эътиборимизни тортди. Унда пудратчи шартномада белгиланганидан зиёд етиштирган маҳсулотнинг таннархи миқдорида пул олиши ёзилган. Наҳотки, йил бўйи тер тўккан деҳқон фойда олиш ҳуқуқига эга бўлмаса? Таннарх миқдорида тўланадиган ҳақ давлат харид нархидан ҳам паст бўладику?! Ҳолбуки, шартнома режасидан зиёд маҳсулот учун келишилган баҳода ҳақ тўланиши керак. Бошқа томондан эса хўжалик раҳбарлари пудратчилардан кўпроқ ғалла олишдан манфаатдор. Бу билан улар ношуд пудратчиларнинг ҳам хатоларини ёпиб олишади. Шу боис хўжалик ичида эса текисчилик, кўзбўямачилик, бировнинг ҳисобига обрў орттириш давом этмоқда. Бундай раҳбарлар Вазирлар Маҳкамаси 1998 йил 24 апрелда қабул қилган «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий ночорлиги ва шартнома мажбуриятларининг бажарилиши учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини кучайтириш тўғрисида»ги Фармонининг бажарилишини таъминлаш чора-тадбирлари ҳақида»ги қарорининг моҳиятини унутишган кўринади.

Вилоят адлия бошқармаси мавжуд қонунлар устуворлигини ҳамда ижросини таъминлаш, фуқароларнинг саводхонлигини ошириш мақсадида бир қатор тадбирларни амалга оширмоқда. Жумладан, маҳаллий оммавий ахборот воситалари орқали кўплаб мақолалар эълон қилинди. Жойларда мутасаддилар ва пудратчилар иштирокида ўқувлар, давра суҳбатлари ўтказилди. Текширишлар жараёнида хўжаликларга ва пудратчиларга амалий ёрдам берилди. Бироқ бу етарли эмас. Фикримизча, барибир шартномавий муносабатларда кўп нарса томонларнинг ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини англашига, янгича фикрлашига боғлиқдир.

Ўрни келганда яна бир гапни айтиш керак. Меҳнаткашларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоялашга даъват этилган касаба уюшма қуйи ташкилотлари айни шу масалада бўшанглик қилишмоқда. Бирорта хўжаликда касаба уюшма қўмитаси пудрат шартномасида деҳқоннинг манфаати қай тариқа ифодаланаётганини муҳокама қилмаган. Ёки тўланмаган ҳақларни пудратчига ундириб бериш чорасини кўрмаган.

Юксак тараққиётга эришиш, халқ турмушини фаровонлаштириш каби эзгу мақсадларни ўзида мужассам этган ислоҳотлар ғояси, бозор иқтисодиёти ҳалол рақобат, меҳнатдан манфаатдорлик, ўзгалар ҳуқуқларини таъминлаш, ҳар бир киши ўз бурчи ва мажбуриятларини тўлиқ бажариши орқали рўёбга чиқади. Ўзаро шартномавий муносабатларда ҳуқуқий тенгликка, ҳуқуқ ва мажбуриятлар мутаносиблигига эришиш қонун устуворлигини таъминлаш кафолатидир.

Х.ФАЙЗИЕВ,
Самарқанд вилоят адлия бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари.

Бу ҳақда Вазирлар Маҳкамаси мажлисида гапирилган эди

Республикада хорижий сармояларни жалб этган ҳолда маҳаллий хом-ашё асосида ишлайдиган, янги иш ўринларини ташкил этиш имконини берадиган қўшма корхоналар очишнинг аҳамияти давлатимиз раҳбари томонидан алоҳида кўрсатиб ўтилди. Буни Ўзбекистонда бунёд этилган МДҲда ягона ҳисобланган қуйидаги қўшма корхона мисолида ҳам кўрса бўлади.

МДҲДА ЯГОНА

қўшма корхона

Мустақил Ўзбекистоннинг ижтимоий-маиший соҳа бўйича ривожланиши бутун саноат хўжалигини техник жиҳатдан қайта қуришни талаб этмоқда. Бугун энг олис қишлоқларга газ етказиб бериш юзасидан ишлаб чиқилган давлат дастури муваффақиятли амалга оширилмоқда. Режалар эса янада улкан. Бу ва бошқа жабҳалар учун ҳали кўплаб 200 мм.дан 2400 мм.гача диаметрли пўлат ва чўян қувурлар зарур бўлади. Улардан фойдаланиш хом ашёга ёки атроф-муҳитга боғлиқдир. Умуман қувурларнинг яроқсиз ҳолга келиши шароитга қараб 3 йилдан 25 йилгача боради. Бундан фарқли ўлароқ, «Хобас» компаниясининг «DIN» жаҳон андозаларига мос, шиша толаси ва полиэфир елими билан қотирилган, иқтисодий тежамли қувурлар анча самарали ҳисобланади.

Кўпгина давлатларда пўлат қувурларнинг занглаб ишдан чиқиши катта муаммо бўлиб турган бир пайтда ниҳоятда пишиқ, ўта чидамли, қайишқоқ ва зилзилага бардошли қувурларни ишлаб чиқариш мақсадида 1998 йилнинг августида ўзбек-швейцар-герман қўшма корхонасини тузиш бўйича шартнома имзоланди. Ўзбекистон томонидан Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш давлат ҳиссадорлик жамияти, хориждан - «ХОБАС» ва «ВЭМЭКС»лар юридик шахс сифатида таъсисчилар ҳисобланади.

«Хобас-ТАПО» ҳар йили 900 километргача қувурлар ишлаб чиқариш қувватига эга. Корхона ўз фаолиятини бошлаган вақтда 200 километр узунликдаги маҳсулотга буюртма олганди. Кейинчалик яна 15 минг километрлик қувур учун шартномалар имзоланди.

Маҳсулотни ўзимизда ишлаб чиқариш анча арзонга тушади. Айтайлик, бир вагонга диаметри 2400 миллиметр бўлган фақат иккита қувурни юклаш мумкин. Ўзбекистонга шундан бир донасини келтириш учун эса 2,5 минг АҚШ доллари сарфланади. Демак, қўшма корхона Ўзбекистонда ишга тушганлиги ғоятда қувонарли.

Ҳозирда Австрия, Германия, Швейцария, Чехия, Белгия, Хитой каби 24 давлатда «ХОБАС» фирмасининг заводлари ишлаб турибди. Мамлакатимизда бунёд этилган қўшма корхона эса МДҲ мамлакатларида ягонадир.

Ишлаб чиқаришда сифат ва самарадорликнинг ошишида ишловчиларга яратилган шароит, меҳнатга яраша рағбат муҳим ўрин тутади. Зарарли шароитда ишловчиларга сут-қатиқ берилаётир, ойлик маошларига эса қўшимча ҳақ тўланаётир.

Меҳнаткашларнинг маданий дам олишлари учун барча қулайликлар яратилган. Корхона спорт зали доимо гавжум. Меҳнаткашлар ойига икки марта тиббий кўрикдан ўтказилади. Уларнинг ишга келиб кетишлари учун махсус транспорт ажратилган. Шу боисдан бўлса керак, бу жамоада ишлашни орзу қилганлар сони тобора кўпайиб бормоқда.

Давур ТУРОН,
«Ишонч» мухбири.

Тармоқ касаба уюшма қўмиталарида

Республикамиз Президентининг Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг III Қурултойи қатнашчиларига йўллаган мурожаатномасида касаба уюшмаларининг мамлакатимизда фуқаролик жамиятини шакллантириш шароитидаги вазифалари аниқ кўрсатиб берилган. Вилоят касаба уюшмалари Кенгаши ушбу йўл-йўриқлар асосида иш олиб бормоқда. Белгиланган тадбирларга мувофиқ бошланғич ташкилотлар ролини ошириш, Низом талабларидан келиб чиққан ҳолда ишни ташкил этиш, меҳнаткашларнинг ҳуқуқий билимларини оширувчи ўқув-семинарларни уюштиришга алоҳида аҳамият берилмоқда. Шунингдек, нодавлат секторда ишлаётган меҳнаткашларнинг ижтимоий, ҳуқуқий ҳимояси билан боғлиқ масалаларга эътибор кучайтирилди.

ОНА ВА БОЛА МУҲОФАЗАСИ

«Соғлом авлод йили»да корхона ва ташкилотларда кўплаб хайрли ишлар амалга оширилди. Хусусан, ўтган йилги мавсумда болалар оромгоҳларида 26 минг 694 нафар бола ўз саломатлигини мустаҳкамлади. Улардан 1723 нафари Тошкент вилоятининг хушманзара оромгоҳларида ҳордиқ чиқарди. Ушбу мақсадларга 80,8 миллион сўмдан зиёд маблағ ажратилди.

Янги асрнинг дастлабки кунидан бошлаб кам таъминланган оилаларнинг фарзандларига, етим-есирларга, меҳрибонлик уйлари, мактаб-интернатлар тарбияланувчиларига совғалар учун касаба уюшмалари маблағидан 600 минг сўм сарфланди. Урганч шаҳридаги 94-мактаб-интернат ўқувчилари, тармоқ ишчи-хизматчиларидан 400 нафари ҳам ана шундай саховатдан баҳраманд бўлди.

Бундан ташқари, вилоят болалар касалхонасини тубдан қайта таъмирлаш ташаббусига қўшилган касаба уюшмалари ҳам бу савобли юмушга баҳоли қудрат кўмак бермоқда.

Ўзбекистон келажагининг буюк бўлиши оналар ва болалар саломатлигига, уларнинг ҳар томонлама ҳимояланганлигига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Буни ҳисобга олган вилоят Кенгаши «Оналар ва болалар» йили муносабати билан ишлаб чиққан тадбирларида ана шу масалаларга алоҳида эътибор қаратган. Шу мақсадда Хонқа туманида қурилаётган 125 ўринли сиҳатгоҳни «Оналар ва болалар» соғломлаштириш мажмуига айлантиришга қарор қилдик. Бу масканда кўп болали оналар ва ҳомиладор аёллар имтиёзли йўлланмалар билан дам олиб, соғликларини тиклайдилар. Шунингдек, жорий йилда вилоят ҳудудида фаолият кўрсатаётган 8 та сиҳатгоҳнинг ҳар бирида ўн ўринга мўлжалланган «Оналар ва болалар» бўлими ташкил этилди.

Икки ёшдан уч ёшгача фарзанди бор аёлларга корхона ҳисобидан қўшимча нафақалар тайинлаш, ҳомиладорлик таътилларини узайтириш, касалхоналарда даволанаётган ёш болали оналарга дори-дармонлардан кўмаклашиш, кўп болали, ногирон боласи бор оилаларни моддий томондан қўллаб-қувватлаш каби имтиёзлар жамоа шартномаларига киритилмоқда.

Айниқса, «Урганчтрансгаз», «Хоразмгаз», «Ферузхоразм», «Урганч-ёғ», вилоят алоқа, электр тармоқлари корхоналари маъмурияти ва касаба уюшмалари ҳамкорлиги бу каби муҳим ишларни амалга оширишда қўл келмоқда. Меҳнаткашлар фарзандларига касаба уюшмалари маблағи ҳисобидан ўқув дарсликлари ва кийим-кечаклар олиб берилмоқда.

Оналик ва болаликни ҳуқуқий муҳофаза қилишни кучайтириш мақсадида жойларда касаба уюшма қўмиталари томонидан ишлаётган аёлларнинг меҳнат таътилларини узайтириш, даволаниш ва дам олишлари учун имтиёзли йўлланмалар ажратиш, нафақадаги аёллар ҳолидан мунтазам хабар олиб, тегишли ёрдамлар кўрсатиш каби масалалар диққат марказимизда турибди. Кам таъминланган, ночор оилалар фарзандларидан 1500 нафарини республика, 8000 нафарини вилоят ҳудудида жойлашган болалар оромгоҳларида бепул соғломлаштириш режалаштирилган. Бунда Оролбўйи ҳудудидаги экологик вазиятни ҳисобга олган ҳолда, оромгоҳлар тўйимли, дармондориларга бой озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланади.

Бу долзарб масалаларни амалга оширишда меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ҳимоясини кучайтириш, соғлигини муҳофаза қилиш, маданий-маърифий, жисмоний тарбия ва спорт соғломлаштириш ишларини янада ривожлантириш, ижтимоий шерикчилик тамойилларини шакллантириш мавзуларига бағишланган ўқув-семинарлари жуда катта ёрдам бермоқда.

М.ЮСУПОВ,
Хоразм вилояти касаба уюшмалари Кенгаши раиси.

Сирдарё вилоятининг Оқолтин туманида тадбиркорлик ва ишбилармонликка катта эътибор берилган. «Тошкент-Котон» Оқолтин тикув қўшма корхонаси ташкил этилганига ҳали унча кўп вақт бўлгани йўқ. Қисқа муддатда корхона маҳсулотлари ўз харидорларини топа олди. Италиядан 83 та тикув машиналари келтирилиб ўрнатилгач, юзга яқин ишчи ўринлари барпо этилди. 1999 йили 6 миллион сўмлик кийим-кечак маҳсулотлари ишлаб чиқарилган бўлса, 2000 йилга келиб бу кўрсаткич 20 миллион сўмни ташкил этди.

Суратда: корхона цехи устаси Зиёдулла НЕВАРАЕВ.

Бўрибой НОРҚУЛОВ олган сурат.



МЕҲНАТГА РАҒБАТ

ютуқлар сари ундамоқда

Истиқлол ва ислоҳотлар шарофати ила мулк эгаси бўлдик. Яхши кайфият, кўтаринки руҳ ҳамроҳимиз. Қўшнингми, қариндош-уруғингми, шунчаки таниш-билишингми очиқ чеҳра билан қўл олишса, унинг юзида акс этган хушвақтлик беихтиёр оҳанрабо каби сенинг ҳам қалбингга кўчади, гўё кўчада тушириб қолдирганинг ҳамёнингни қайта топиб олгандек хуррам ҳис қиласан ўзингни киши.

Лоф эмас, ҳозир Бекобод туманида пешқадамлардан ҳисобланмиш «Авангард» жамоа хўжалиги аъзолари шундай кайфиятда яшамоқдалар. Эзгу ниятлар билан ташланган сара уруғлик далаларга кўк пояндоз ташлаб кўнгилга бир илиқлик бахш этса, сифатли шудгордан сўнг бўрсиллаб турган майдонлардан кўз яна бир қувонади. Мўл ҳосил ва юксак хирмондан, маълумки, ҳар бир хонадон, унинг ҳар бир аъзоси ўзига тегишини олади. Негаки пахтачилик соҳасидаги мавжуд 210 та, ғаллачиликда эса 90 та оилавий ва жамоа пудрати замирида бутун хўжаликнинг бугуни ва эртаси мужассам. Пудратчиларнинг иши ўнгидан келса, хўжаликнинг омади чопгани, катта дошқозон тўлиб-тошиб қайнайди.

Бу энди бизга яхши таниш. Ҳосил мўл бўлса, даромад жойида, орзу-ҳавас ҳам шунга яраша - ким тўй қилган, ким уй қурган, яна кимлардир уриниб қолган машинасини янгилаш тадоригида. Ўзимдан қиёс: 3,5 гектарда деҳқончилик қилиб кам бўлмаяпман.

Энг муҳими, ҳар бир пудратчи мўл ҳосил етиштириш ва мўмай даромад эгаси бўлиш учун нималар кераклигини, уларнинг қай жиҳати учун шахсан ўзи жавобгар эканлигини беш бармоғидек билади. Хўжалик ҳам ўз зиммасига олган мажбуриятларга тўла риоя қилишдан манфаатдор. Ёқилғими, ўғитми, тракторми - марҳамат, иш олдига босса бўлгани! Раисимиз Дониёр Мўминов ёш бўлсада, миришкор, ишбилармон инсон. Ота-боболаримиздан мерос қолган ўгит-торга тор дунё, кенгга кенг дунё, деган ҳикматга амал қилади, бошқаларни ҳам шунга ундайди.

Айтиш жоизки, бу пудратчиларга ер бириктириш асноси яққол кўзга ташланди. Касаба уюшмалари неча йиллардан бери курашиб келаётган банд кўпчилик томонидан қизғин қўллаб-қувватланди. Ерни муайян шарт ва мажбуриятлари билан пудратчига узоқ муддатга беришга қарор қилинди.

Шу маънода биз қаршимизда турган катта довондан ўтиб олгандек ҳис қилмоқдамиз ўзимизни. Айни кунларда бутун эътибор жамоа шартномасига қаратилган. «Соғлом авлод йили» дан сўнг унинг узвий давоми сифатида «Оналар ва болалар йили»нинг ташрифи йўналишимизни белгилаб олишни бир мунча осонлаштирса-да, лекин унинг янги асрга тўғри келиши жуда кўп масалаларга тубдан, янгича ёндошишни ҳам тақозо этмоқда.

Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз. Мен бу сўзларни жуда кўп кишилардан эшитаман ва ич-ичимдан қувончга тўлиб, эртамиз нақадар порлоқ эканлигига имон келтираман. Биламанки, одамларимиз ўзлигини англаб бораётир, фахр-ифтихор туйғулари уларни жунбушга келтираётир. Бу хайрли аломат, бу ҳаётга муносабат ўзгариб бораётганидан далолатдир. Меҳнатга рағбат эса, маълумки, забт этилмаган довонлардан ошиб ўтишга ундайди кишини.

Барот КАРИМҚУЛОВ,
оилавий пудрат аъзоси.

Республика Маънавият ва маърифат кенгаши қошидаги миллий мафкура илмий тарғибот марказида талаба ёшлар билан бўлган давра суҳбатида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг ёшлар масалаларига бағишланган мажлисда сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган вазифалар муҳокама этилди.

МАФКУРАЧИЛАР КЛУБИ

Айни чоғда марказнинг «Ёш мафкурачилар клуби» аъзолари ташкил этилаётган «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Низоми ва Дастури лойиҳалари, мақсад ва вазифалари ҳақида ҳам фикр алмашдилар.

Клуб аъзолари ёшлар ҳаракати дастурида кўзда тутилган вазифаларни амалга оширишда ҳар бир талаба, етакчининг масъулияти ҳақида ўз таклиф ва мулоҳазаларини билдирди. Баҳс-мунозарага бой бўлган бундай мулоқотларни изчил ўтказиб боришга келишиб олинди.

(ЎзА).

ЎСМИРЛАР КЎНГЛИГА ЙЎЛ ТОПИБ

Вазирлар Маҳкамасининг «Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори қабул қилинганидан сўнг бу борада Қашқадарёда бажарилаётган ишларнинг салмоғи бирмунча ортди.

- Ўсмирлар ўртасида маъмурий ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш ишларида ички ишлар, халқ таълими, соғлиқни сақлаш, жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини мустаҳкамлашга муваффақ бўлдик, - дейди вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича шуғулланувчи комиссия масъул котиби Холмурод Каримов. - Аввало, тарғибот ишларини ташкил этишга эътибор қаратдик. Умумтаълим мактабларида, коллежлар ва олий ўқув юртларида, маҳаллаларда, меҳнат жамоаларида турли мавзуларда учрашувлар ўтказилмоқда. Улар қизиқарлироқ бўлиши учун «Диний экстремизмнинг зарарли оқибатлари», «Ҳушёрликка даъват» мавзуларидаги суҳбатлар жараёнида «Сиз қонунни биласизми?» деган кўрик-танловлар ҳам бошладик.

Лекин ёшларнинг бандлиги масаласини ҳал этмасдан туриб, муаммони узил-кесил бартараф этиш мумкин эмаслиги аён. Ўтган йили вилоятимиздаги меҳнат бўлимларига 2 минг 200 нафар вояга етмаган ёш иш сўраб мурожаат қилган. Шулардан 1 минг 555 нафарини иш билан таъминладик, 167 нафари эса касбга ўқитилди. 84 кишига белгиланган тартибда ишсизлик нафақаси тайинланган. Қолганларини ҳам иш билан таъминлаш чоралари кўрилмоқда.

(ЎзА).

«Аср кишиси»

ИНСОН

Очерк

Етмишинчи йилларнинг охирлари эди. Республиканинг ўша пайтдаги етакчи газетасида мухбир бўлиб ишлаётган ёш журналист Самар Нуров хизмат сафарларидан бирида кун ҳаддан ташқари қизиб кетганлиги туфайли шу яқин-атрофдаги ховузда чўмилиб чиқишни ният қилди. Воқеа Сирдарё вилояти, Оқолтин туманининг «Фарғона» давлат хўжалиги ҳудудида бўлиб ўтаётган эди.

Мухбир ҳовузга калла ташладию узоқ муддат йўқолиб кетди. Бирданига мовий сув юзига қизиллиқ югурди... Журналист ҳовуз тубидаги темир арматурага боши билан урилган экан. Тезда уни пойтахт касалхоналаридан бирига олиб кетишди. «Деярли умид йўқ» дейишди шифокорлар...

Саксонинчи йилларнинг бошида «Қарши-Косон» йўлида енгил машина ҳалокатга учради. Машина йўловчилари орасида Косон туманининг жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги кўзга кўриниб келаётган иқтидорли мутахассисларидан бири Алишер Шерқулов бор эди. Йигит бир умр ўрнидан туролмайдиган даражада қаттиқ шикастланди...

Худди шу кунлари яна бир бахтсизлик юз берди. Вилоят оналар ва болалар шифохонасининг етакчи жарроҳи Ҳайитмурод Абдурасулов қирчиллама қирқ уч ёшида оғир хасталикдан сўнг кўз юмди. Қанчадан-қанча беморларни ўлим чангалидан қутқариб қолган шифокорнинг ўзини ҳеч ким олиб қололмади.

Ана энди бир нарса ҳақида айтиб ўтайлик: юқорида ҳикоя қилиб берганимиз учта тақдирнинг кўзга кўринмас иплари очеркимиз қаҳрамонига келиб боғланган.

Унинг исми-шарифи Қилич Нурмуҳамедов. Қашқадарё вилоятининг кўзга кўринган болалар жарроҳи. Мутахассислиги уролог. Фан номзоди. «Хобби» си эса ёзувчилик. Республикамиздаги таниқли ҳажвчи-ёзувчилардан. Бир эмас, бир неча китоблар муаллифи. Қашқадарёликлар уни ғурур билан «Вилоятимиз Чехови» деб қўйишади.

Яна бир таъриф: бундан ўн етти йил муқаддам Қашқадарёда илк бор бўлар эканман, вилоятнинг нуфузли отахонларидан бири Соиб ака Усмонов шундай деганди:

— Мабодо ҳамма одамларимиз ҳам Қилич каби инсон бўлганларида, қоронғу кечаларимиз бирданига чароғон бўлиб ёришиб кетарди. Чунки бу йигитнинг юрагида офтоб бор.

... Ўтган йилнинг баҳор кунларидан бирида уни вилоят касаба уюшмалари Кенгашига таклиф қилиб қолишди.

— Республикамиз бўйлаб ижодни иккинчи касб қилиб олган кишиларнинг кўрик-танлови ўтказилмоқда, - дейишди унга, - биз бу танловда сизнинг иштирок этишингизни лозим кўрдик.

- Майли-куя, лекин... - ҳар сафаргидай камтарлик қилди Қилич.

— Арзийдиганлар рўйхатининг бошида Сиз турибсиз, - жилмайди Кенгаш раҳбарларидан бири.

Доктор шу кундан эътиборан кўрик-танловда иштирок этиш учун тайёргарлик ишларини бошлаб юборди. Кейинги чорак аср давомида республиканинг барча газета ва журналларида босилган ҳикоя ва ҳажвиялар, турли нашриётларда чоп этилган китоблар, шунингдек, телевидение орқали намойиш қилинган миниатюралар, радиода саҳналаштирилган ҳажвий ҳикоялардан нусха кўчириш, уларни янги асарлар билан бойитиш каби ишлар қалашиб ётарди. Вақт анча тиғиз эди.

Ҳа, «Вақт анча тиғиз эди» сўзларини биз бежиз қайд қилмадик. Ўзингиз ўйлаб кўринг: ҳар куни тушгача доктор касалхонада бўлади: йўлига нажот тўла кўзларини тикиб турганларнинг оғирини енгил қилади, зотан у 40-50 нафар бемор даволанадиган бўлимнинг мудири. Ҳафтанинг ҳар жумаси - операция кунлари. Ҳозиргача жарроҳ ўн мингтага яқин мураккаб операцияларни амалга оширган. Минглаб оналар ва болаларнинг ҳаётини сақлаб қолган.

Унинг кундалик вақти дақиқама-дақиқа белгилаб қўйилган. Бу муболаға эмас. Тушгача - иш. Тушдан кейин эса, роппа-роса икки соат вақтини у жамоатчилик ишига, тўғрироғи касаба уюшмаси юмушлари учун ажратади. Мана, ўн йилдирки, у мазкур шарафли вазифани ҳам сидқидилдан бажариб келмоқда. Шифохона жамоаси, унинг ҳар бир аъзоси ташвиши билан яшамоқда. Керак бўлса, шу ташвишларни елкасига ортганча шаҳар ва вилоят кенгашларига чиқади. Ҳа, шу йиллар давомида касабақўм раиси ҳузурига кирган биронбир кимса бу ердан кўнглига ёруғлик тушмай чиқиб кетган эмас.

Кечки пайт, соат 16-17 лардан эса доктор учун «учинчи смена» бошланади. Биз юқорида кулфатга рўбаро бўлган учта тақдирнинг излари қаҳрамонимизга келиб тақалиши тўғрисида бежиз айтиб ўтмадик. Мана энди изоҳ бериш мавриди етди.

Йигирма йилдирки, таниқли доктор икки нафар мажруҳнинг тақдирини иложи борича енгиллатишга ҳаракат қилади, бундан ташқари, марҳум устозининг оиласига қарашади. Келинг, яхшиси мана шу ишлар ҳақида бафуржа гаплашайлик.

* * *

Самар Нуров... Хўш, унинг кейинги тақдири қай йўсинда кечди? Ростини айтиш керак: ўша фалокатдан сўнг унинг ҳаёти бир неча ой давомида қош билан қовоқ ўртасида муаллақ осилганча қолиб келди. Ниҳоят, ҳаётга қайтди.

— Фақат жуда мураккаб операциягина бу мижознинг ҳаётини сақлаб қолиши мумкин. Мингдан бир умид бор, - дейишганди нейрохирургия марказидаги жарроҳлар.

— Мингдан бир бўлса ҳам бор экан-ку! - хурсанд бўлиб кетишди жигарлари.

О, мўъжиза! Ижодкорга ўша мингдан бир умид кулиб боқди.

Ҳаёт аталмиш лотореясига ютуқ чиқди унинг.

Тўғри, кейинчалик яна бир эмас, бир неча марта мураккабдан-мураккаб операцияларни бошидан кечиришига тўғри келди. Лекин энди довондан ошиб ўтилганди, журналистнинг мустаҳкам иродаси ғолиб келди.

Кўп ўтмай Самар ака она юрти Қашқадарёга кўчиб кетди. У ерда ижод, тўғрироғи, адиблик эшигини очди. Каравотга михланган ҳолда бири бириданг гўзал ҳикоя ва қиссалар ёза бошлади.

Ногиронлиги, мажруҳлиги куну тун азоб берарди унга. Лекин Қашқадарёда Қилич каби қалби офтоб доктор бўла туриб, уни, адабиёт гўшасидаги ўз ҳамкасабасини касаллик билан якка-ёлғиз ташлаб, ёлғизлатиб қўярмиди! Мана, йигирма йилдирки, доктор Қилич эл оғзига тушган ёзувчи Самар Нуровнинг аҳволидан ҳар кун бўлмаса-да, кунора хабар олиб туради. Шифокор сифатида маслаҳатлар беради.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси Самар Нуров ҳозиргача ўндан ортиқ ҳикоя ва қиссалар китобини чоп этди.

— Қилич ўзи ким бўла-

ЭЛ НЕТИБ ТОПҒАЙ МЕНИКИМ...

Алишер Навоийни англаш, ҳис қилиш ўзбек халқининг тарихини, маданиятини, қалб эҳтиросларини англаш ва ҳис қилишдир

Кўнглумни ғаму дард ила қон айлади ишқ,
Кўз йўлидин ул қонни равон айлади ишқ.
Ҳар қатрани билмадим қаён айлади ишқ,
Бедил эканим бўйла аён айлади ишқ.

Ўтмишдаги орифлардан бири «Кўнгил бўлмаса, ишқ қаерни ватан айлар? Ишқ бўлмаса, кўнгил нима ишга ярар?» - деган экан. Шу учун ҳам кўнгил ҳаётини ишқсиз, ишқ камолини кўнгилсиз тасаввур айлаб бўлмайди. Булар бир-бирига шу қадар яқин, шу қадар бир-бирига ҳамнафас ва ҳамқадам. Фақат ишқ - ҳоким, кўнгил - тобеликка маҳкум, ишқ - ўт-аланга ёқар, кўнгил - шу оловда ёнар. Унинг толеи шу: ёниш, лекин кулга айланмаслик, дард, алам, ҳасрат оташида тинимсиз тобланиш ва завқ-шавқдан тонмасликдир. Навоийнинг «Бадойиъ ул-бидоя» девонига мансуб ушбу рубоийси ҳам ишқ ва кўнгил ҳақидаги митти бир шеърий «ҳикоят»дир. Ундаги «бош қаҳрамон» Ишқ. Чунки ошиқ кўнглини «ғаму дард ила қон» айлаган, «ул қонни» кўз йўлидан равон оқизган, «ҳар қатрани» беиз қаёнларгадир пинҳон этган ва ниҳоят «бедил»ликни аён қилган шу раҳмсиз Ишқдир. «Қон», «равон» сўзлари кўнгил ва кўз аҳволини жуда аниқ гавдалантиради. «Бедил»ликка тегишли эътироф эса ўқувчида фикр қўзғайди. Табиийки, бу фикр-мулоҳазалар фақат кўнгилга эмас, ишққа ҳам дахлдор бўлади.

Умуман олганда, ишқ масаласи — Навоий шеъриятидаги жуда мураккаб, мунозарали ва серқирра масала. Уни англаш ва ҳал қилиш осонга ўхшаб кўринса-да, моҳиятга етиб бориш осон эмасдир. Шунинг учун юқоридаги рубоийга ўхшаш шеърларни тадқиқ ёки таҳлил қилганда, уларнинг мазмун-моҳиятига имкон қадар кенгроқ ёндошиш, ишқ турлари (мажозий, руҳоний ва илоҳий ишқ)ни эътиборга олган ҳолда мулоҳаза юритиш керак бўлади. Чунки, ишқ калимасига асосланиб қайси бир тадқиқотчи Навоийни фақат мажозий муҳаббат куйчиси ўлароқ танитишга уринса, бошқа бирлари уни сўфий шоирлар даврасига қўшишга рағбат айлаши мумкин. Бундай «мусобақа» кундан-кун ёрқинроқ кўзга ташланиб бораётир. Аҳвол шунга етдики, ҳатто улуғ шоирнинг оддий бир инсон сифатида қачонлардир қай бир қизни яхши кўрганлигини тубдан инкор этувчи фикрлар ҳам ўртага ташланди. Гапимиз асоссиз бўлиб қолмаслиги учун бир мисол келтирайлик. Бундан бир неча йил олдинроқ босилган бир рисолада шундай фикрлар ёзилган: «Лисон ут-тайр» достонидаги бир байт навоийшуносликда бевосита шоирнинг шахсий ҳаётига боғлаб талқин қилинди. Бу қўшмисрада Навоий ўз ишқини шарҳ айлайдиган бир достон ёзиш нияти борлигини айтган:

Бир неча кун умрдин топсам омон,
Шарҳи ишқим назм этай бир достон.

Байтдаги «ишқим» сўзига учиб, айримлар Навоий ҳам қай бир қизни севган, бу ҳақда ўз таржимаи ҳоли билан боғлиқ достон ёзмоқчи бўлган, бироқ унинг бу орзуси ушалмай қолган, деган хулосани илгари сурадилар. Бу фикр фанда қатъийлашди. Уни ҳозирча ҳеч ким рад этган эмас.

Илмда рад қилинадиган фикр бор, рад қилинмайдиган фикр бор. Агар қайси навоийшунос «ишқим» сўзига «учиб» Навоий ҳам қайсидир бир қизни севган, айнан Шайх Санъон ҳикоятининг охирроғида ўзининг ишқ тарихидан ҳикоя қилувчи бир достон яратишни айтган, дея хулоса чиқарган бўлса, демак, ниҳоятда тўғри хулосани илгари сурган. Чунки, Навоий «қай бир қизни» севмаганда, ўша маъшуқа ишқи билан куйиб-ёнмаганда, бу қадар ҳассос, бу қадар ҳаётсевар санъаткор мақомига кўтарила олмасди. Бизнинг бу ҳақиқатга заррача шубҳамиз йўқ. Халқ тасаввурига ҳам тўла ишонамиз. Чунончи, халқ ривоятларидаги Гули тимсоли осмондан олинмаган, балки маълум бир ҳаётий-тарихий асосларга эга бўлган.

«КЎНГЛУМНИ ҒАМУ ДАРД ИЛА ҚОН АЙЛАДИ ИШҚ...»

Иқтибос келтирилган фикр муаллифи бунга ҳам қарши чиқади: «Балки Гулининг ҳаётдаги асли (прототипи) бўлгандир?

Йўқ! Масалага «Лисон ут-тайр»нинг ўзидан келиб ёндошсак, аён бўладики, Навоий «ишқим» деганда биз тушунган маънодаги оддий севгини, яъни ўзининг бирон қизга муҳаббатини эмас, аксинча, маънавий, яъни кенг маънодаги ишқни, янада аниқроқ қилиб айтсам, ҳаққа-тангрига ишқини кўзда тутган».

Биз «ҳанузгача, Навоий ишқ ҳақида ёзганда ёлғиз инсоннинг инсонга бўлган муҳаббатини назарда тутган, Навоий куйлаган ишқ — ҳақиқий ишқ эмас, дунёвий ишқдир, деган бир ёқлама ҳукмлардан қутила олганимиз йўқ. Навоийнинг ишқи фақат «ҳаққа — тангрига» тегишли дейиш, юмшоқ қилиб айтганда, олдингига нисбатан ҳам ортиқроқ бир ёқламалик ва маҳдудликдир. Қолаверса, Навоийни улуғлаш эмас, камситиш бу! Тўғри, баъзи «радикал» сўфийлар махлуқ (яратилган нарса) муҳаббати холиқ ишқига ҳижоблик қилади, шу боис, фақат Ҳақ ишқига ғарқ бўлиш лозим, деган ақидага таянишган. Аммо тасаввуфнинг туб моҳиятини теран билган, инсоннинг бу дунёдаги ўрни ва мавқеини мукаммал мушоҳада қилган ҳеч бир тариқат арбоби ёки мутасаввиф ижодкор мажозий ишққа таҳқир нигоҳи ила қарамаган. Шу маънода жуда характерли бир ҳодисага эътиборни қаратмоқчимиз.

Муҳиддин Ибн Арабий ҳаж зиёратига борганда Макинуддин Исфаҳоний номли бир зот билан танишади. Исфаҳонийнинг Шамсуъл Низом деган ёш қизи ҳам бўлиб, унинг тенгсиз гўзаллиги, ҳаё ва малоҳати Ибн Арабий кўнглига ниҳоятда кучли таъсир ўтказади. Арабий бу бокира дилбарнинг гўзалликларини мадҳ айлаб шеърлар битишдан ўзини тия олмайди. Ниҳоят ўша шеърлар «Таржимонуъл ашвоқ» номи билан алоҳида тўплам қилинади. Уни ўқиган мухолифлари Шайхи Акбар, яъни Ибн Арабийни ҳақиқий ишқ моҳиятига қарши иш қилганликда айблайдилар. У эса бу иддаоларни бутунлай рад этади. Шамсуъл Низом мадҳ этилган шеърлардаги юксак ҳиссиётлар, илоҳий сирлар, маънавий гўзалликлар ва мислсиз сифатларнинг барчаси рамз ёки тимсоллар эканлигини шарҳлаб беради.

(Давоми 4-бетда).

КАСАБА УЮШМА РОЗИЛИГИ

(Боши ўтган сонда).

Кўп ҳолларда ходимларни ишдан бўшатишга розилик беришни сўраб касаба уюшма қўмитасига ваколати бўлмаган шахслар — ходимлар иши билан шуғулланувчи мутахассислар, бўлим бошлиқлари, хўжалик ишлари бўйича бош шифокор ўринбосарлари мурожаат қилишади. Бу ўринда ходимларни вазифасидан озод қилиш масаласида келишиш учун касаба уюшма қўмитасига ким мурожаат қилиши керак, деган ҳақли савол туғилади.

Ходимни иш берувчининг ташаббуси билан ишдан бўшатиш учун розилик олиш учун касаба уюшма қўмитасига мурожаат қилиш бевосита муассаса раҳбари ёки ишга қабул қилиш ва ишдан бўшатиш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахс томонидан бажарилади. Бу мурожаат ёзма равишда икки нусхада тузилиб, ходимни ишдан бўшатишга тааллуқли бўлган барча ҳужжатлар (далолатнома, тушунтириш хатлари, билдиришнома, тиббий хулоса, буйруқлар ва бошқалар) илова қилиниши керак. Хат барча иловалари билан касаба уюшма қўмитасига топширилганда албатта рўйхатдан ўтказилиши ва хатнинг бир нусхаси иш берувчига қайтарилиши зарур. Ҳатда ходимни Меҳнат кодексининг қайси моддасининг қайси банди билан ишдан бўшатиш назарда тутилаётганлиги кўрсатиб ўтилади.

Касаба уюшма қўмитаси иш берувчининг мурожаатини ўн кун муддат ичида кўриб чиқиб, қарор қабул қилади. Бундай тартибнинг талаб қилиниши касаба уюшма қўмитаси йиғилишида масалани кўришни осонлаштиради, хатга илова қилинган ҳужжатларнинг иш берувчига қайтарилиши ва хатнинг ўз муддатида кўрилишини таъминлайди.

Касаба уюшма қўмитаси ходимни иш берувчининг ташаббуси билан вазифасидан озод қилишга розилик беришининг ўз қоидалари бор. Улар Меҳнат кодексида ва Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига бирлашган касаба уюшмаларининг ҳамда Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмасининг Уставларида кўрсатиб ўтилган.

Юқорида тилга олинган норматив ҳужжатларга асосан касаба уюшма қўмитаси иш берувчининг ходимни вазифасидан озод қилишга розилик беришни сўраб ёзган хатини ва илова қилинган ҳужжатларни чуқур таҳлил қилиб, амалдаги қонунлар талабига тўлиқ риоя қилинганлигига аҳамият беради ва бу масалани қўмита йиғилишида кўриб чиқиш муддатини белгилайди. Бу ҳақда иш берувчига хабар қилинади, иш берувчининг ташаббуси билан вазифасидан озод қилиниши кутилаётган ходим ёзма равишда огоҳлантирилади.

Касаба уюшма қўмитаси йиғилишида иш берувчи ёки унинг вакили, масаласи кўрилаётган ходим бўлиши зарур ва касаба уюшма қўмитаси аъзоларининг ярмидан кўпроғи қатнашган тақдирдагина у ваколатли ҳисобланади, унинг қарори кўпчилик овоз билан қабул қилинади. Унда таътилда, касаллик варақасида бўлган ишдан бўшаб кетган ва бошқа сабаблар билан мажлисда қатнашмаган касаба уюшма қўмитасининг аъзолари ҳам ҳисобга олинади. Масалан, қўмита 9 аъзодан иборат бўлиб, кўрсатиб ўтилган сабабларга кўра қўмитанинг 5 аъзоси мажлисда қатнашмаса, мажлис ваколатли ҳисобланмайди ва у бошқа вақтга кўчирилади. Агар 4 аъзодан иборат таркибда ходимни иш берувчининг ташаббуси билан ишдан бўшатишга розилик берилса, бундай қарор ноқонуний ҳисобланади.

Касаба уюшма қўмитаси мажлиси баёнида унда қатнашган қўмита аъзолари, таклиф қилинганлар номма-ном ёзилиши керак. Йиғилишда биринчи бўлиб сўзни иш берувчи ёки унинг вакилига бериш лозим, ундан кейингина бошқа йиғилиш қатнашчиларига сўз берилади. Мабодо қўмита йиғилишида масаласи кўрилаётган ходим узрли сабабларга кўра қатнашмаса, қўмита йиғилиши бошқа муддатга кўчирилади ва мажлис баёнида бу акс эттирилади. Бу масала иккинчи бор кўрилаётганда юқорида қайд этилган барча тартибларга риоя қилиниши зарур.

Касаба уюшма қўмитаси ходимни иш берувчининг ташаббуси билан вазифасидан озод қилишга розилик беришда албатта ходимнинг ижобий томонларига, кўп йиллик самарали меҳнатларига аҳамият бериши керак ва кўрсатиб ўтилган ҳолатларни инобатга олиб у розилик бермаслиги ҳам мумкин. Бу ўринда савол туғилади: ходимни ишдан бўшатиш мумкинми, касаба уюшма қўмитасининг қарорини ким бекор қилади?

Касаба уюшма қўмитаси ходимни ишдан бўшатишга розилик бермаса, уни ишдан бўшатишга йўл қўйилмайди. Иш берувчи томонидан ходимни ишдан бўшатиш тўғрисидаги буйруғи ноқонуний ҳисобланади ва у тегишли органлар томонидан бекор қилинади ҳамда ходимнинг мажбуран бекор юрган вақти учун ҳақ ундириб берилади ва бу муддат унинг иш стажига қўшилади.

Касаба уюшма қўмитаси қабул қилган қарорини фақат ўзи бекор қилиши мумкин. Юқори касаба уюшма ташкилотларига касаба уюшма қўмитаси чиқарган қарорни бекор қилишга ва у ходимни иш берувчининг ташаббуси билан ишдан бўшатишга ҳуқуқли эмас. Агар касаба уюшма қўмитаси қарор қабул қилишда хатоликларга йўл қўйган бўлса, юқори касаба уюшма ташкилоти хатоликларни кўрсатиб, бу масалани қўмита йиғилишида қайта кўриб чиқиш зарурлигини тавсия қилиши мумкин.

Касаба уюшма қўмитаси ходимни иш берувчининг ташаббуси билан ишдан бўшатишга розилик берганда Меҳнат кодексининг 107-моддаси талабларига риоя қилинган ҳолда қарорда Меҳнат кодексининг ёки бошқа норматив ҳужжатларнинг тегишли моддаси, банди аниқ ёзилиши керак. Қарорда ҳеч қандай бошқа таклифлар берилиши мумкин эмас.

Ҳар бир касаба уюшма қўмитаси кўрилган масала юзасидан амалдаги қонунлар асосида қарор қабул қилади.

Чиноз пахта тозалаш очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти жамоаси ўтган йили туман хўжаликларида етиштирилган 14.679 тонна пахта ҳосилини қабул қилиб, шундан ҳозирча 8.000 тонна сифатли хом ашё қайта ишланди. Олинган тола нафақат маҳаллий саноат учун, балки кўплаб хорижий мамлакатларга, жумладан, Англия, Швеция, Корея каби давлатларга экспорт қилинаяпти.

Корхонада ишчи-хизматчиларнинг ижтимоий муҳофазасига ҳам жиддий эътибор қаратилаяпти. Дам олиш уйи улар хизматида, бепул иссиқ овқат ташкил этилган. Тумандаги Абу Райҳон Беруний номли мактаб ҳамда «Гулхан» болалар боғчаси доимий корхона оталиғида.

Суратда: Жамият раиси муовини Абдулла Назаров ҳамда илғор ишчи Юлдуз Хушимова олинаётган толанинг сифатини кўздан кечирмоқда.

Х. МИРЗАКАРИМОВ олган сурат.

«ФУҚАРОЛИК ИШЛАРИ»

СУДЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

XXI асрнинг илк йилида суд тизимида ҳам катта ўзгаришлар сари яна бир қадам ташланди. Бунда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 14 августдаги «Ўзбекистон Республикасининг суд тузилишини такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони муҳим рол ўйнади.

Хўш, ўтган қисқа вақт ичида суд тизими янги тузилмасида қандай ишлар амалга оширилди? Шу савол билан Тошкент шаҳар Миробод туманлараро фуқаролик ишлари суди ходими Холбой Одиловга мурожаат этдик.

— Президентимиз Фармонига биноан республикамиз суд тизими тарихида биринчи марта «Фуқаролик ишлари» бўйича судлар ташкил этилиб, жорий йилнинг 1 январидан фаолият кўрсата бошлади. Бундан кейин фуқароларнинг ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини муҳофаза этиш эса ўз навбатида сифат жиҳатидан янги поғонага кўтарилади, демакдир.

«Фуқаролик ишлари» судларининг ташкил этилиши бу давр талабидир. Биз демократик ҳуқуқий давлат қуриш йўлидан дадил борар эканмиз, унинг заминини шакллантиришимиз жуда муҳим. Мамлакатимизда рўй бераётган ижтимоий ўзгаришлар пайтида турли ижтимоий муносабатлар жадал ривожланади, соҳамиз бўйича ҳал қилиниши лозим бўлган масала, муаммолар кўпаяди. Улар қаторида моддий ва маънавий зарарларни ундириш, ноқонуний бўшатилган фуқароларни ишга тиклаш ва мажбурий ишга чиқмаган вақти учун иш ҳақи ундириш ва бошқалар шулар жумласидандир.

Бизнинг туманлараро фуқаролик ишлари суди ҳам қисқа вақт ичида шаклланди. Даъво аризаларини қабул қилиш, шунингдек, уларни белгиланган муддатларда кўриш йўлга қўйилмоқда. Худудимиз катта. Зиммамизга пойтахтдаги учта йирик — Ҳамза, Бектемир, Миробод туманлари аҳолиси фуқаролик ишларини кўриб чиқишдек масъулиятли вазифа юкланган. Айни пайтда жамоамизда 8 нафар судья, 9 нафар суд ижрочиси фаолият кўрсатяпти. Судга бу соҳада катта тажриба орттирган, малакали мутахассис Татьяна Бакиева раҳбарлик қилмоқда. Шунингдек, судья Насиба Бабатаева сингари ўз касбининг моҳир усталарининг жонбозликлари, кўп йиллик иш тажрибалари фаолиятимиз самарадорлигини таъминлаётир.

Судьялар томонидан чиқарилган ажримларни вақтида назорат қилиш суд ижрочиларининг асосий вазифасидир. Бу ишларга бир неча йиллик тажрибага эга бўлган ходимлар жалб этилган.

Фуқаролик ишлари суди ташкил қилингани айни муддао бўлди. Энди фуқаролар томонидан тақдим этилган аризалар, турли низоли масалалар малакали кўриб чиқилишига шубҳа йўқ. Лекин ҳар қандай янги ишда ўзига хос муаммолар пайдо бўлиши ҳам табиий. Бу, биринчидан, ҳудуднинг анча катталигида. Бизнингча, туман ҳудудидаги барча маҳалла қўмиталари билан ҳамкорликда ишлаш чигалликларга чек қўйиши мумкин. Чунончи, фуқаролик судига мурожаат қилишда қандай ҳужжатлар зарурлигини ҳамма ҳам бирдек билавермайди. Шу сабабли, маҳалла қўмиталарида даъво аризалари нусхалари, судьяларнинг қабул кунлари, давлат божи миқдори, банк ҳисоб рақамлари аниқ белгиланган намуналар илиб қўйилса, фуқаролар мушкули анча осон бўларди.

Суҳбатдош: Баҳром МУРОДОВ, «Ишонч» мухбири.

ИРОДАСИ

танловига

ди сизга? - деб сўрашади ундан кўпинча.

— Ҳеч кимим бўлмайди, - рўй-рост эътироф этади адиб, - у номи катта ҳарф билан ёзиладиган Инсон. Уни менга Худонинг ўзи етказган. Дунёда ҳар бир кишининг, у соғми, хастами, Яратганнинг ўзи юборган одами бўлсин экан...

* * *

Алишер... Косонлик бу йигитнинг ёш бошига ҳам Самар аканинг бошига тушган ташвишлар қўнди. Бир умрга фалаж бўлиб қолди. Йигит бу фалокатга дуч келмасидан аввал доктор Қилич Алишернинг вилоят миқёсида ўтказилган спорт тадбирларида иштирок этганлигини кўрган, унинг кучи, эпчиллиги, абжирлиги, чаққонлигидан ҳайратга тушган эди. Алишер касалхонадан чиқиши биланоқ доктор унинг ҳузурига етиб борди. Уни даволаган шифокорлар билан суҳбатлашди, аҳволини текшириб кўрди.

— Сизни юпантирмоқчи эмасман, ука - рўй-рост эътироф этди у, - сезиб турибман: ўзингизни бир умр тўшакда ётишга маҳкум этилган ҳис қиляпсиз. Бу жуда оғир... Лекин ноумид шайтон дейдилар. Мана бундай йўл тутишингиз керак...

Қилич етмишинчи йилларнинг машҳур рус енгил атлетикачиси Валерий Брумелнинг ҳаётини мисол қилиб келтирди. Брумель ҳам энг гуллаган 28 ёшида жуда катта тезликда бораётган мотоциклида дарахтга урилиб, мажақланиб кетганди. Лекин ойлар эмас, йиллар давом этган азоб-уқубатларга чидаш бериб, кечани кеча, кундузни кундуз демай машқ қилиши туфайли батамом оёққа туриб кетди.

— Сиз шу нарсани ҳамиша ёдингизда тутинг, - деди доктор.

Анча вақт ўтгандан кейин мажруҳ йигит ногиронлар аравачасида юра олади, холос. Аравачасида ўтирадиган, қўллари билан ҳаракат қилиб, уни юргизадиган бўлди. Сўнгра доктор Қиличнинг таклифи билан Алишернинг уйидаги катта хоналардан бири ҳақиқий спортзалга айлантирилди: «швед девори» деб аталадиган тик зинапоя, нарвонлар, тренажёрлар ўрнатилди. Йигит машқларни бошлаб юборди. Аста-секин билаклари билан ҳаракат қилиб, нарвондан юқорига чиқиб-тушишни ўрганди, қўл ёрдамида уй ичини кезиб чиқишни ўзлаштириб олди.

— Инсон организмининг ҳали биз билмаган, тубига етмаган сиру синоатлари жуда кўп, - дейди у ногирон йигитга дамба-дам, - мабодо бир куни шартта оёққа туриб кетсангизу менинг уйимга ўз қадамингиз билан, кулиб кириб келсангиз, асло ажабланмайман.

Лекин ҳозирча Алишер фақат ногиронлар аравачасида юра олади, холос.

* * *

Ана энди навбат марҳум Ҳайитмурод Абдурасуловга етиб келди.

Бир нарсани айтиб ўтиш керак: Қилич оламдан эрта ўтиб кетган шу докторнинг шогирди эди. Ҳаёт билан хайрлашиш олдида устози бир гапни айтганди: «Ота-онам кекса, ука! Фарзандларим эса ҳали ёш. Менинг ўзим ишлаган жамоамдан бошқа ишонган одамларим йўқ. Шу нарсани дамба-дам эслаб турсаларингиз бўлгани...»

Ҳайитмурод ака вафотидан сўнг шифохона ходимлари касабақўм раиси доктор Қилич бош бўлган ҳолда устознинг ота-онаси ва ёш болалари ташвишини бутунлай ўз зиммаларига олишди. Бу оила Қарши шаҳрининг шундайгина биқинида жойлашган Ҳилол қишлоғида истиқомат қиларди. Қилич бош бўлган шогирдлар қарияларнинг сўнгги кунларигача деярли ҳар ҳафтада уларнинг ҳолидан хабар олиб туришди.

— Устозни орамиздан кетмаган ҳис қиламиз, - таклиф киритди Қилич, - унинг оиласи учун ойлик маош таъсис этамиз.

Таклиф бир овоздан қабул қилинди.

Бугина эмас. Садоқатли шогирдлар устознинг фарзандларини оёққа турғазишда ҳам баҳамжиҳатлик билан кўмаклашдилар. Қизларини узатишди, ўғилларини уйлантиришди. Устознинг тўнғич фарзанди Абдуназар ота касбини танлади. Андижон тиббиёт институтига муваффақиятли имтиҳон топширди. Олти йил ўқиши давомида отаси ишлаган жамоа ой сайин уни иккинчи стипендия билан таъминлаб турди.

Абдуназар институтни тугатиб, вилоятнинг чекка ҳудудларидан бирида ишлаётганди. Яқинда доктор Қилич ва шифохона жамоаси вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси раҳбариятига хат йўллаб, устоз Ҳайитмурод аканинг ўғлини ўзлари ишлаётган шифохонага кўчириб беришларини илтимос қилишди. «Устоз ўз билганларини бизга ўргатиб кетган эди, энди биз ҳам қайтарайлик, - дейилганди хатда.

Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси садоқатли жамоанинг илтимосини қондириб, Абдуназар Абдурасуловни отаси ишлаган жамоага қайтариш тўғрисида қарор қабул қилди.

Яна бир нарса. Қачонлардир, бундан йигирма йиллар муқаддам Ҳайитмурод ака бир ташаббус билан чиққан эди.

— Касалхона ёнида бўш сайҳонлик бор, - деганди у. - Келинглар, ҳар биримиз ўша ерга биттадан кўчат ўтқазайлик. Бир кун келиб боғ бўлиб қолади.

Ўшанда жамоанинг ҳар бир ходими сайҳонликка бир тупдан ниҳол ўтқазганди. Ҳозир бу ер ажойиб, кўрсангиз кўз қувонадиган боғ бўлиб яшнаб турибди.

Ана энди мақоламизнинг бош қисмида айтиб ўтган гапга қайтамиз. Таниқли шифокор ёзувчи вилоят ва республика танловларидан муваффақиятли равишда ўтиб, кўрикнинг адабиёт йўналиши (номинацияси) бўйича биринчи ўринни эгаллади ҳамда махсус диплом ва пул мукофоти билан тақдирланди. Бу мукофотлар унга Тошкентнинг «Туркистон» саройида тантанали равишда топширилди.

Қодиржон СОБИРОВ.

«КЎНГЛУМНИ ҒАМУ ДАРД ИЛА ҚОН АЙЛАДИ ИШҚ...»

Навоийхонлик

(Боши 3-бетда).

Шу зайлда «Таржимонуъл ашвоқ» учун ёзилган янги шарҳлар китоби дунёга келади. Ибн Арабий бу ҳақда шундай дейди: «Таржимонуъл ашвоқ»даги шеърларни ўқиган Ҳалабнинг айрим олимлари мени қаттиқ танқид қилдилар. Ҳолбуки, Низомга бағишланган шеърлар илоҳий файзлар, руҳоний кашфлар, юксак яқинликларга ишорат этар. Мен илоҳий сир, раббоний маърифат, руҳ асрори, ақлий илмлар, шаръий талабларни ғазал ва ташбиҳ тилида ифодалаганман... «Қош», «кўз», «киприк», «юз», «янок», «тер» ва аёлнинг бошқа гўзалликларини таърифу тавсифлаган бўлсам, бу билан Ҳақдан етган асрор ва нурларга ишорат этганман, улвий ва қудсий сифатларни тилга олганман».

Бошқа бир ўринда Ибн Арабий қатъий қилиб, «...Хотин-қизларнинг қадрини ва уларнинг сирларини (нозикликларини) англаган кимса, уларни севишда зоҳидлик қилмас. Билъакс, аёлларни севмак, орифлик камолидандир», - дейди.

Алишер Навоийнинг ҳам ишқ йўли - худди мана шундай йўл: замин гўзалларини севишга, эъзозлашга, уларнинг ишқига фано бўлишга чорловчи йўлдир. Навоийнинг турли жанрларда ёзилган неча минглаб байтларида гўзалларнинг сочи, қоши, кўзи, юзи, ҳол ва яноғи, хат ва лаби, қадди-қомати мадҳ этилган. Масалан, шоир бир рубоийсида:

Кўз бирла қошинг яхши,
қабоғинг яхши,
Юз бирла сўзинг яхши,
дудоғинг яхши.
Энг бирла менгинг яхши,
сақоқинг яхши,
Бир-бир не дейин, боштин
аёғинг яхши, -

дейди. Албатта, бундай мисраларни ўқиш жуда ёқимли ва улар кўз, қош, қабоқ, юз, сўз ёки ҳол, хат гўзаллигидан бошқа бир нарсани хаёлга келтиришга унча имкон бермайди. Бироқ рамз ва тимсол даражасига кўтарилган ушбу «унсур»ларда бир-бирини инкор этмайдиган икки мақсад акс эттирилган. Биринчиси, гўзаллик ва нафосатда ёрнинг тенгсизлигини кўрсатиш. Иккинчидан, шу гўзаллик ва нафосат, айни пайтда, илоҳий сифатлар, қудсий файзларга бир мазҳар эканлигини кашф қилиш. Шунинг учун бундай мақсад инсонга қараш ва муносабатни тубдан ўзгартиради, яъни инсонийлик моҳияти — илоҳийлик моҳиятидан айри эмаслигини, илоҳий сифатларни зоҳир этиш фақат инсонга ато қилинганлигини англашга кенг йўл очади. Бунда башар манфаатларига зид келадиган, уни чеклайдиган ҳеч қандай мантиқ йўқ. Аксинча, соч, қош, кўз, юз кабилар орқали ифодаланган ички маънолардан огоҳ бўлиш ёр гўзалликларига ишончни мустаҳкамлабгина қолмасдан, тасаввурда янги фикрий ҳаракат ва имкониятлар ҳосил қилади. Ошиқ учун бу ўзига хос бир эврилиш нуқтасидурки, унга юксалмасдан ҳеч бир ошиқ севгида худбинлик, нафсонийлик ва қўполлик офатларидан фориғ бўлолмайди. Тасаввуф аҳлининг мажозий севгига, Навоий сўзлари билан айтганда «жисмоний лаззат ва шаҳвоний нафс билан чегараланади»ган муҳаббатга паст назар билан қарашларининг бош сабаби ҳам ана шунда. Уларга кўра, мажозий ва табиий деб аталмиш башарий севгида ошиқ маъшуқани фақат ўзининг нафси, худбинлиги, лаззати учун севар ва жисмоний манфаатларга тобе бўлар. Шунинг учун у авом севгисидир. Авом фикри ва ҳаракатларида алоҳида бир хосият бўлмаганидек, севгисида ҳам маънавий-руҳий хусусият йўқдир. Бундай паст даражадан қутилишнинг бирдан-бир йўли эса руҳоний ишқ мартабасига кўтарилиш эрур. Шарқ шоирларида, жумладан, Алишер Навоийда ҳам «Ишқ агар комилдурур, ошиқ қилур маъшуқни», - деган фикр бор. Бу фикрни қандай маънода қабул қилиш керак? Маъшуқ қандай қилиб ошиққа айланиши мумкин?

Бунда гап руҳоний севги ҳақида. Руҳоний севги мажозий муҳаббатдан баландга юксалиш ва ҳақиқий ишққа яқинлашиш мартабаси ҳисобланади. Бу мартабага эришган инсон учун асосий муддао маъшуқанинг кўнглини забт айлашдурки, ўртада ҳеч қандай хусусий мақсад қолмас. Чунончи: ошиқ дастлаб бутун борлиғи ила маъшуқасини севар, унинг кўнглига ўзини таслим этар, охир-оқибатда эса унинг ишқи билан юзма-юз қолиб, ишққа ўзини бутунлай фони қилар. Бундай ишқ руҳий камолот ва кўнгил поклигининг гаровидир. Мажнуннинг Лайлига ишқи — ана шундай ишқ. «Лайлонинг Мажнуни руҳоний ишқ мақомига етишганди. Чунки, у нима тўғрисида гапирмасин, «Лайло, Лайло!» - дея фарёд чекарди. Зеро, ўзини Лайло учун фано бўлганлигига инонарди», - дейди Ибн Арабий. Бу ишқнинг тамали ҳам, олий чўққиси ҳам поклик, покбозлик ва руҳоний ҳузур-ҳаловатдир. Демак, Мажнуннинг ишқи — илоҳий эмас, руҳоний ишқ. Оллоҳнинг ердаги халифаси бўлмиш инсонга йўналган ишқдир. Унинг руҳи самовий юксакликларга сайр этаркан, бунинг илҳомчиси, энг аввало, Лайли эрур. Мажнун ишқининг комиллиги туфайли ошиққа хос бир қатор сифат ва фазилатлар Лайлида намоён бўлади. Навоий бир рубоийсида:

Ё кошифи асрори ниҳон
бўлса киши,
Ҳаллоли рамузи осмон
бўлса киши.
Ё ошиқи зори нотавон
бўлса киши,
Девонаву расвойи жаҳон
бўлса киши, -

дейди. Мажнун «ошиқи зори нотавон», «девонаву расвойи жаҳон» бўлган киши. Унинг ҳуррияти ҳам, ибрати ҳам ана шунда. У Ҳаққа фано бўлишнимас, ишққа фанолик тариқини танлаган. Фақат Мажнунга ўхшаш ёки Мажнунга издош ошиқларгина «Кўнглумни ғаму дард ила қон айладди ишқ...», дейишга ҳақлидирлар. Чунки, уларнинг дили ҳам, дини ҳам, имон-эътиқоди ҳам Ишқ ва Гўзалликдир. Шу боис, «бедил»лик уларга қисмат эрур.

Иброҳим ҲАҚҚУЛ,
филология фанлари доктори.

Жума ўгитлари

ҲУСАЙН ВОИЗ КОШИФИЙ

ЎЗАРО МУНОСАБАТ ОДОБИ

Аввало пир ва устоз билан муомала одоби, кейин ота-онани ҳурмат қилиш одоби ва яна қариндош-уруғ, дўст-ёрлар, ошнолар, ҳамсоялар билан муомала одоби бор.

Агар ота ва онага нисбатан одоб неча хил бўлади, деб сўрасалар, ўн икки хил, деб айт. Биринчидан, керакли даражада уларнинг ҳурматини сақлаш. Иккинчидан, улардан дунё молини аямаслик, уларга қаттиқлик қилмаслик. Учинчидан, қилган яхшиликларни миннат қилмаслик. Тўртинчидан, ота-она юзига тик қарамаслик. Бешинчидан, агар ота ва она чақирсалар, зудлик билан ҳузурларига келиш. Олтинчидан, ота ва она билан мулоқотда юзини тескари бурмаслик. Еттинчидан, агар гуноҳга сабаб бўлмаса, нимаики буюрсалар, бажариш. Саккизинчидан, ота-она билан суҳбатда ёки улар ҳузурида бошқалар билан гаплашганда овозни кўтармаслик (бақирмаслик). Тўққизинчидан, ота-она ризолигисиз, дуосиз сафарга чиқмаслик. Ўнинчидан, ҳар доим ота-она хурсандлигини таъминлаш пайида бўлиш. Ўн биринчидан, ота-онага марҳаматни ибодат деб билиш, яъники «жаннат оналар қадамининг остида» эканлигини унутмаслик.

Форс-тожик тилидан Н. КОМИЛОВ таржимаси.

Қоғоз ишлаб чиқариш йўлга қўйилгандан кейин олди-сотди ишлари ҳам осонлашди. Қоғоз пуллар даставвал Хитойда XI асрда чиқарилди. XVII асрнинг охиридан бошлаб Шимолий Америкада ҳам қоғоз пуллар муомалага киритилди.

ПУЛ БЕЗАКЛАРИ

Аксарият мамлакатларда пул бир-бирига ёпиштирилган икки варақ қоғоздан ясалади. Тез титилиб кетмаслиги учун, баъзан икки қоғоз орасига ингичка металл толаси ҳам жойлаштирилганлиги маълум.

Қадимда соф шойи пуллар ҳам бўлган. Бундай пулларни Хоразм Халқ Республикаси 1920 йилда чиқарган. 1923 йилга келиб Бухоро ва Хоразм пуллари Россия червонлари билан алмаштирилган.

Кўп мамлакатларда қоғоз пуллар фақат босмахона усулида эмас, тошбосма ва шунингдек, металлга расм ўйиш йўли билан ҳам чиқарилган. АҚШнинг доллари, Мисрнинг фунти нақш солинган металл тахталарда босилади. Ўймакорлар пулга чиройли ва нозик безак берганларки, ундаги айрим гул, ёзув ва рақамларни заррабинсиз пайқаш қийин. Масалан, Америка долларининг орқа томони тиниқ кўк рангда бўлиб, унга мос рангни ҳатто таблатдан излаб топиш қийин.

Баъзи бир чет эл банкнот пулларида ҳанузгача қирол ёки қиролича, уларнинг болалик, ёшлик ва кексалик чоғидаги сурати тасвирланади. Масалан, Голландия гульденида қиролнинг 7-8 ёшлик чоғидаги сурати, Англиянинг фунт стерлингида қиролича Елезавета, баъзи давлат пулларида ҳатто генерал-губернаторларнинг ҳам расми туширилган.

Айрим давлат пулларида миллий қаҳрамонларнинг расмлари учрайди. Венгрия форинтига XVII аср бошидаги Венгрия миллий озодлик ҳаракатининг раҳбари Ференц Ракоши, Швейцариянинг франкига афсонавий қаҳрамон Вильгельм Телль портретлари туширилган.

Маҳаллада катта ҳашар

ЁШ АВЛОДГА — ЯНГИ СПОРТ МАЖМУИ

Маҳалланинг инсон ҳаётида, айниқса, ёш авлодни ватанпарварлик, миллий қадриятларимизга содиқлик руҳида камол топтиришда нечоғлик катта аҳамиятга эга эканлиги бугунги кунда ҳеч кимга сир эмас. Пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманидаги «Чўпонота» маҳалласида амалга оширилаётган ишлар билан танишганимизда бунга яна бир карра ишонч ҳосил қилдик.

Маълумки, йил бошида бўлиб ўтган Республика Олий Мажлиси Ёшлар қўмитаси йиғилишида жисмоний тарбия ва спортнинг оммавийлигига эришиш йўли билан ёшлар ўртасида жиноятчилик кўринишларининг олдини олиш мақсадида ҳар бир маҳалла ҳеч бўлмаганда битта спорт мажмуига эга бўлиши хусусида сўз борганди. Ташаббуснинг қаноти бор. «Чўпонота» маҳалла фуқаролар йиғини ўз ҳудудида янгиланиш ва яшариш байрами — Наврўзга қадар ҳашар йўли билан спорт мажмуини қуриб фойдаланишга топшириш юзасидан қарор қабул қилганида айримлар унчалик ишонқирамаган эди.

Лекин айтилган сўз — отилган ўқ. Шундан сўнг қаровсиз ўйингоҳ ўрнида замонавий мажмуа бунёд этиш ишлари изчиллик билан бошлаб юборилди. Майдон текисланиб, атрофига тўсиқлар ўрнатилди. Тез орада мураббийлар, тиббиёт ҳамда дам олиш хоналари, 200-300 ўринга мўлжалланган ўриндиқлар бўй кўрсатди. Айни пайтда ўйингоҳга чим ётқизиш, таъмирлаш ишлари ниҳоясига етказилмоқда. Қувончлиси, бу хайрли ташаббусдан маҳалла аҳлининг ҳеч бири четда қолмаётир.



Ҳар куни 15-20 нафар киши ҳашарда иштирок этмоқда. Ҳатто, жажжи болакайлар ҳам ўз ҳиссаларини қўшаётир. Бундан ташқари, фуқаролар йиғининг шарқона услубдаги янги биноси, замонавий типдаги кичик бозор ҳам улуғ айём арафасида фойдаланишга топширилади. Буларнинг барчаси маҳалла аҳли маблағи ҳисобидан ҳашар йўли билан бунёд этилмоқда.

— Нокамтарликка йўйманг-у, маҳалламизда таълим-тарбия ишлари намунали йўлга қўйилган, — дейди йиғин раиси Ҳамид ака Акбаров. — Буни сўнгги 2 йил мобайнида ёшлар ўртасида ўғирлик, ичкиликбозлик, гиёҳвандлик каби кўнгилсиз ҳоллар содир этилмаганлиги ҳам тасдиқлаб турибди. Кези келганда, катта ҳаёт йўлини босиб ўтган Ислом Шоғуломов, Сиддиқ Фузайлов, Толиб Содиқов, Ҳайдар Ғуломов, Абдураззоқ Маҳкамов каби оқсоқолларимизнинг беминнат кўмагини алоҳида таъкидлашни истардим.

Шунингдек, маҳалла билан ҳуқуқ-тартибот органлари ўртасида мустаҳкам алоқа йўлга қўйилганлиги ана шу муваффақиятларнинг гарови бўлиб хизмат қилмоқда.

— Фуқаролар йиғини ёрдами билан замонавий бино ажратилиб, тўлиқ таъмирланди, — дейди мамнуният билан ҳудуддаги 365-сонли милиция таянч пункти нозири, катта лейтенант Шоҳимардон Боймуродов. — Оқсоқоллар ўгити, ёшлар ғайрати билан энг мураккаб масалалар ҳам нисбатан осон ечимини топмоқда. Аҳоли ўртасида йўлга қўйилган кенг тушунтириш ишлари ўз самарасини бермоқда.

Айтганча, маҳалладаги мавжуд 12 та кўчага 12 нафар йиғин аъзоси бириктирилган. Улар ўз кўчасидаги ҳар бир хонадон, ҳар бир ёш-ўсмир ҳолидан, ташвишидан хабардор.

Маҳаллада олиб борилаётган ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини кўриб ҳавасингиз келади. Чунки кейинги йилларда 800 дан ортиқ мевали ва манзарали кўчатлар ўтказилиб, кўчалар тўлиқ асфальтланди. Республика Вазирлар Маҳкамасининг Наврўз байрами муносабати билан мамлакатимизда «Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги» ўтказиш тўғрисидаги қарори маҳалла аҳлини янада руҳлантириб юборди.

Ҳа, яратиш ишқи, бунёдкорлик завқи билан ёниб яшаётган чўпонота-ликлар бугун янги эзгу режалар оғушида. У ҳам бўлса, мустақилликнинг 10 йиллиги арафасида маҳалла маблағи ҳисобидан теннис корти, кичик футбол, волейбол ва баскетбол майдончаларини ўзида жамлаган яна бир спорт мажмуини ёш авлодга тухфа этишдир.

Камол ОЛЛОЁРОВ,
«Ишонч» мухбири.
И.ҲАСАНОВ олган суратлар.

Пойтахтдаги «Тошмаргёғ» очиқ турдаги акциядорлик жамиятига қарашли «Настарин» сиҳатгоҳида ҳар ойда 50 нафар ишчи ва хизматчилар дам олиб даволанишади. Шулардан 25 нафари қатнаб, 25 нафари эса ётиб даволанишлари мумкин. Сиҳатгоҳда ўтган йили 749 нафар бемор ўз соғлигини тиклади. Мазкур даволаниш масканида барча қулайликлар мавжуд.

Суратда: навбатчи ҳамшира Лайло Хонкишева муолажа пайтида.

НАШРИЁТЛАР ТУҲФАСИ

Мамлакатимиздаги нашриётлар лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосида китоблар чоп этишга алоҳида аҳамият бермоқда. Ғафур Ғулом номидаги Абадиёт ва санъат нашриёти 20 дан ортиқ бадиий асарларни янги ўзбек алифбосида босиб чиқарди.

«Ёзувчи» нашриётида ҳам ўзбек ёзувчи ва шоирларининг қатор тўпламлари лотин алифбосида чоп этиш учун ҳозирлаб қўйилди. «Ўзбек адабиёти антологияси» ҳам босмага тайёрланмоқда.

Тўрт жилддан иборат бу янги нашрда ўзбек адабиётида салмоқли ўрин тутган энг яхши шеърий ва насрий асарлар жамланади.

Болалар адабиётига доир асарлар ҳам янги ўзбек алифбосида кўп нусхада чиқарилиб ёш китобхонларга тақдим этиладиган бўлди.

А.АЛИЕВ.

Сиз бунга нима дейсиз?

Ёшларга бўлган эътиборнинг давлат сиёсати даражасига кўтарилиши бежиз эмас. Чунки, Юртбошимиз таъкидлаганларидек, Ватанимизнинг буюк келажаги, эркин ва фаровон ҳаётимиз, Ўзбекистоннинг XXI асрда жаҳон ҳамжамиятидан қандай ўрин эгаллаши авваламбор янги авлоднинг, униб-ўсиб келаётган фарзандларимизнинг қандай инсонлар бўлиб етишишига боғлиқдир.

ОТАЛАР НЕГА МАЖЛИСГА КЕЛИШМАДИ?

Шундай экан, таълим-тарбия муассасаларида, оила ва маҳаллаларда ёшлар тарбиясида йўл қўйилган кичик бир эътиборсизлик ёки бепарволик кўнгилсизликларга олиб келиши мумкин. Бундай ҳол юз бермаслиги, таълим-тарбияда кўзланган мақсадга эришишда «Мактаб - оила - маҳалла» концепциясини ҳаётга чуқур сингдириш, ўзаро ҳамкорлик ва доимий алоқани кучайтириш мақсадга мувофиқдир.

Шу ўринда бир воқеага эътиборни қаратмоқчи эдик. Яқинда мактабимиздаги синфлардан бирида ота-оналар мажлиси ўтказилди. Таклиф қилинганларнинг ярми келмади. Бори ҳам асосан оналар эди. Беихтиёр ўйлаб қолдик: оталар фарзанд тарбияси, унинг ўқиши ва таълим-тарбиясига эътиборни сусайтириб қўймаяптиларми, нахотки, фарзанд тарбияси учун бир оз вақт топа олмасалар?

Умумий ўрта таълим мактаблари Низомида «Боланинг қадр-қимматини ҳурматлашлари, меҳнатсеварлик, яхшилик, мурувват, давлат тили ва она тилига, оилага, миллий қадриятларга ҳурмат каби туйғуларни тарбиялашлари шарт» дея таъкидланади.

Биз — барчамиз давр талабидан келиб чиққан ҳолда комил инсонларни тарбиялаш учун масъуллигимизни унутмаслигимиз даркор.

Х. РАСУЛОВ, А. ҚОДИРОВ,
Пахтакор туманидаги 11-ўрта мактаб ўқитувчилари.

ISHONCH
МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирфозил Олимов, Мирзоҳид Содиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78, 136-58-45;
Хатлар ва реклама, эълонлар бўлимлари 56-85-43.
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган
Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди 20.50

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Буюртма Г— 2124. 1 2 3 4 5 6